



ЖИНОЯТЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА КЎРСАТГИЧЛАРИ.

Ибрагимов Аброр Алимович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси катта
ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15319694>

ARTICLE INFO

Received: 18th April 2025

Accepted: 20th April 2025

Published: 30th April 2025

KEYWORDS

Аёллар жиноятчилиги,
криминологик хусусиятлар,
жиноий фаолият, ижтимоий
омиллар, психологик хусусиятлар,
криминологик кўрсаткичлар,
жиноятларнинг олдини олиш.

ABSTRACT

Мақола жиноятчиликда аёлларнинг криминологик хусусиятлари ва кўрсаткичларига бағишланган. Унда аёллар жиноятчилигининг ижтимоий, психологик ва демографик омиллари, шунингдек, уларнинг жиноий фаолиятдаги ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинади. Аёллар томонидан содир этилган жиноятларнинг асосий турлари, уларнинг динамикаси ва криминологик кўрсаткичлари кўриб чиқилади. Шунингдек, аёллар жиноятчилигининг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича таклифлар келтирилади.

Жиноятчилик, унинг алоҳида турлари ва гуруҳлари, ҳар бир гуруҳий-сон ва сифат кўрсаткичларига эга. Жиноятчиликда кўрсатилган кўрсаткичларни мавжудлиги ҳақида рус олими, профессор И.И. Корец қуйидагича ёзган: “жиноятчилик ижтимоий-ҳуқуқий ва тарихий асосланган ҳолат. Аммо жиноятчилик аккумулятив тушунча ҳам ёки ўзига шу жамиятнинг аниқ бир даврида содир этилган, аниқ бир жиноятлар мажмуини олади. Шунинг учун жиноятчиликка ҳар бир ижтимоий ҳолатдек, сон ва сифат характеристикаларини бериш мумкин.”

Жиноятчиликнинг сон ва сифат характеристикалари аниқ бир ҳудудда ва бирор бир вақтда, бир шахс томонидан содир этилган жиноий, жазоланадиган ҳаракатлар мажмуининг статистик кўрсаткичлари билан белгиланади.¹

Жиноятчиликнинг сон кўрсаткичларига қуйидагилар киради: унинг ҳолати, даражаси, динамикаси, сифатларига эса- структураси, характери, географияси, баҳоси.

Жиноятчиликни ҳолати деганда маълум ҳудудда, аниқ бир вақтда рўйхатга олинган, бу жиноятни содир этадиган шахс ёки алоҳида гуруҳ ва турлари умумий намоён этувчи абсолют сонларни кўрсатувчи сон кўрсаткичлари тушунилади.

Аниқ бир сонларда кўрсатилган жиноятнинг ҳолат кўрсаткичларини объектив статистик таҳлил қилиш қийин, чунки бу ҳолатни мазмунини белгиламасдан ҳам, худди шундай кўрсаткичлар билан таққослаш мумкин. Аммо бу кўрсаткич муҳим

¹ Файзуллаев, Д. О. (2024). ЁШЛАР ОРАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ДАВЛАТИМИЗНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИДИР!. *Центральноазиатский журнал междисциплинарных исследований и исследований в области управления*, 1(1), 117-123.

ахамиятга эга ва жиноятчиликни характеристикасини ўрганувчи база сифатида хизмат қилади.²

Жиноят даражаси –шу худда истиқомат қилувчи, маълум вақтда ва худудда шу жиноятларни содир этадиган шахслар ва ахоли ёки унинг бирор бир қисмининг жиноятларнинг сонини нисбий сонлардаги алоқасининг ҳисобланиши. Бу кўрсаткич бутун бир ахоли, бирор бир ёш гуруҳи ёки жамоавий гуруҳларга ҳам ҳисобланиши мумкин. Бу кўрсаткичнинг ҳисоби шу худудда яшовчи аҳолининг сонига қара 1000, 10000 ва 100000 аҳолини ташкил этади.

Жиноятчиликнинг кўрсаткичи қуйидаги кўрсаткичлар билан баҳоланади:

-жиноятчилик коэффиценти;

-криминал актив аҳолининг коэффиценти;

-аҳолининг виктимлик коэффиценти;

-Жиноятчиликнинг коэффиценти-содир этилган жиноятларнинг аҳолини сонига муносабати билан белгиланади;

- Жиноий активликнинг коэффиценти-шу худудда истиқомат қилувчи аҳолининг маълум қисмининг содир этган шахсларнинг муносабати;

-Аҳолининг виктимологик коэффиценти ўрганиб турилган худуднинг криминал даражаси кўрсаткичи ва шу худда истиқомат қилувчи аҳолининг сонига маълум бир вақт ва худудда содир этилган жиноятларнинг жабр чеккан шахсларга нисбати³.

Жиноятчиликнинг динамикаси деганда маълум бир вақтда ва худудда унинг сон ва сифат ўзгаришлари тушунилади яни унинг ҳолати, структура даражаси ва бошқалар.⁴

Бу кўрсаткич муҳимлигини белгилаб профессор И.И. Спиридонов ёзган: “*Жиноятчилик динамикаси –унинг ҳолати ва структурасининг бирон бир вақтда ўзгаришининг кўрсаткичи. Динамиканинг мақсадига қараб йиллик, беш йиллик, ўн йиллик ва ундан узоқроқ муддатда бўлади. Тезкор анализнинг амалий мақсади учун ХМҚОлар ҳафталик, ўн кунлик, ойлик, кварталлик маълумотларини ишлатади. Динамикага таяниб, агарда уни у билан чамбарчас ва синхрон ижтимоий жараёнлар билан таққосланса, тадқиқотчи фақатгина жиноятчиликнинг ўзини ўзгаришларини судлаш имкониятигина эмас балки унинг сабаларини ўзгаришларини ҳам (истиқболли ва сиёсий-ижтимоий, демографик ва бошқ).*” Жиноятчилик динамикасининг анализи илмий-амалий муносабатда, ўзгаришлар тенденциясини ўзгаришларини фош этишда ўтган даврдаги жиноятчилик ҳолатини ўзгаришни саволларини ечишда ишлатилиши мумкин.⁵

Тумандаги жиноятчилик динамикасини таҳлил асосида жиноятчиликни яқин ва узоқ келажакдаги ҳолатини башорат қилсак бўлади, бу эса ўз вақтида унга қарши оптимал криминалогик тадбирларни режалаштиришга асос бўлади. Жиноятчилик динамикаси мутлоқ ўсиши(пасайиши), ўсиш даражаси каби кўрсаткичларнинг ҳисоби билан аниқланади.

Жиноятчиликнинг умумий ва алоҳида гуруҳлар ва турларининг криминалогик суратини унинг сифат кўрсаткичлари очиб беради.

² Угроза религиозного экстремизма и терроризма Х Якубов, Х Раҳмонжонов - Общество и инновации, 2022 - inlibrary.uz

³ Файзуллаев, Д. (2024). ЁШЛАР ТОМОНИДАН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ВА ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИ НОҚОНУНИЙ ЎТКАЗИШ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ТУШУНЧАЛАРИ!. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 4(1), 171-177.

⁴ BASICS OF A QUICK EXPERIMENT CONDUCTING OPERATIONAL SEARCH EVENTS

YK Sheribboevich - International Journal Of Law And Criminology, 2024 - inlibrary.uz

⁵ Текшириш учун харид қилиш ва назорат остида олиш тадбирларининг тушунчаси ва ахамияти ТЭ Машарипов - Евразийский журнал права, финансов и прикладных ..., 2024

Рўй бериб турган жараёнларни таснифини тушунишга жиноятчиликнинг тизими бўлиши сифат кўрсаткичлар хисобланади.⁶

Жиноят тизими деганда аниқ бир ҳудудда ва вақт оралиғида жиноят содир этган шахслар ва содир этилган жиноятлар ҳамда жиноят гуруҳларини сони ва ҳажмини намоён этувчи нисбий кўрсаткич хисобланади. Жиноятчилик тизимини ўрганиш, бири-бири билан жинойий ҳуқуқий ёки криминологик кўрсаткичларга кўра классификация қилинган турли хил жиноят турлари ва гуруҳларини кўришга имкон беради.⁷

ҲМҚОларни илмий тадқиқотлари ва амалий фаолиятида қуйидагиларни ўрнатишади: ўта оғир, оғир, ўртача оғир ва жамиятга катта хавф солмайдиган жиноят таркибларини ўзаро ва уларнинг бошқа бир жиноят турлари мужассамлигидаги умумий сони, қасддан ва эҳтиётсизлик оқибатида содир этиладиган жиноятларнинг умумий сони, рецидив, профессионал, гуруҳий, бирламчи ва бошқа турдаги жиноятларнинг ўртача миқдори, вояга етмаганлар ва аёллар томонидан содир этилган жиноятларни умумий тақсими.

Жиноят структурасини ўрганганда белгилаб ўтилган элементларни ижтимоий соҳага айнанлиги билан ўрганилади. Кўрсатиб ўтилган сифатий миқдорлар мотивацион характеристикалар, ижтимоий структуравий элементларни турли хил даврлар ва ҳудудлардалигини анализ орқали биз аниқ бир жиноят ёки умумий жиноятчилик билан аниқ бир ҳудудни таъсирланган даражасини, маълум бир ижтимоий гуруҳларни фаоллигини жинойий соҳаларнинг ижтимоий ҳаётдаги негатив таъсирчанлигини ўрганишга ёрдам беради яъни маълум бир ҳудудлардаги криминоген ҳолатни реал баҳосини бериш, кўзда тутилган ҳудудлардаги жиноятчиликни детерминатсия қилувчи муаммоларни ўрганиш, бу ҳудудлардаги жиноятчиликка қарши курашни тўғри асосда ташкил этиш.

Жиноятчиликни ўрганишда муҳим ўринни турли хил маъмурий-ҳудудий ташкилотларга бўлиш каби кўрсаткич эгаллаб туради. Бундай кўрсаткич жиноятчилик географияси деб номланади.⁸

Жиноятчилик географияси тадқиқотчига ҳудудий ўзгаришларни ўз сифимида интенсивлигида, динамикасида структурасида турли хил яшаш пунктларида давлат регионларида, давлатларда жиноятчилик характери кўрсатади. Жиноятларни, уларни турли хил кўп сифатий кўрсаткичларга бўлинишининг тахлили давлатда туман шаҳарлардаги криминологик ҳолатга чуқур киришга имкон беради ва олдини олиш, огохлантириш ва назоратни самараси чора-тадбирларни ишлаб чиқишга ёрдам беради. Фикримизча жиноятчилик тахлилида, тахлил даврини тўғри танлаш муҳим масала хисобланади.⁹ Қисқа муддат ичидаги тахлил масалан 1 календар йил фақатгина шундай қисқа муддатдаги таққослаш криминоген ҳолатни ўрганилиб турган ҳудудда тўлиқ ва объектив баҳосини бера олмайди, чунки бундай муддатда тасодифлар ёки бирмарталиқ ўзгаришлар эҳтимоли бор, улар эса етарлича нозик ташқи факторлар томонидан қўзғатилади.

⁶ К ВОПРОСУ О ПОНЯТИИ ЭКСТРЕМИЗМА МА Маликов, МКУ Холходжаев - Eurasian Journal of Law, Finance ..., 2024 - cyberleninka.ru

⁷ Файзуллаев, Д (2024) КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА. РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ. *Central asian journal of multidisciplinary research and management studies*4(1), 120-125.

⁸ Текшириш учун харид қилиш ва назорат остида олиш тадбирларининг тушунчаси ва ахамияти ТЭ Машарипов - Евразийский журнал права, финансов и прикладных ..., 2024

⁹ SOME ASPECTS OF THE LEGAL REGULATION OF THE CONDUCT OF OPERATIONAL-SEARCH MEASURES BY THE INTERNAL AFFAIRS BODIES RR Nishonkhujievich - INNOC, 2023 - innuc.uz

Кўриб турган ҳолатлар ва жараёнлар тўғрисида анчагина узоқ муддатдаги таҳлил беради, унга эса 3-5 йиллик муддат киради.

Узоқ муддатли таҳлил жиноятга таъсир қиладиган ўрганиб турилган ҳудуддаги бўлиб турган негатив ўзгаришларни бор ёки йўқлигини равшан қилиб беради. Бундай муддат йилдан йилга содир этилиб келинаётган тасвирни кўрсатади, тасодифлардан қочиш имконини беради. Жиноятчиликни ўрганилган даражалари, унинг кўриб чиқилган гуруҳлари ва турлари шуни кўрсатяптики маълум бир йиллик жиноят ва истиқомат қилиб турган аҳолини ўрганиш мавжудлигида ўрганиб чиқиб турилган вақт ичидаги натижалар стабиллигини тушиши тенденцияси кузатилган.

Аммо баъзи йиллар бундан мустасно, чунки бу йилларда жиноятчиликни умумий даражаси шахсга, мулкга, ўғирлик жиноятлари ўсиши кузатилган. Текис ўсиш тенденциясига эга фирибгарлик жинояти ташкил этади.¹⁰ Ўрганиб турилган ҳудудда маълум бир вақт ичида юзага келиб турган криминоген ҳолатни объектив баҳолаш учун қўлга киритилган жиноятчилик даражалари билан таққослаш ва аниқ бир жиноятларни қандайдир вақт оралиғини таққослаш бугун бўлиб турган ҳолатни объективроқ кўрсатиш имконини беради. Масалан энг оғир турдаги жиноятларни таққослаймиз. Қасддан одам ўлдириш ва қасддан оғир тан жароҳати етказиш, улар узоқ вақтдан буён деярли барча давлатларда жиноят ҳисобланади. Турли хил вақт оралиғида мамлакатимизда қасддан одам ўлдиришнинг 100000 та аҳолига тенгсиз сонларга эга бўлган.¹¹

Охирги 5 йилликда кўриб чиқилган жиноятлар турлари ва гуруҳларини криминологик характеристикасини таҳлил қилиб қуйидаги хулосаларни бериб ўтамыз:

-бугун жиноятчиликни массиви, шахсга ва мулкга қарши жиноятчилик, қотиллик, соғлиққа қасддан оғир зарар етказиш, босқинчиликлар, талончиликлар ўғирлик замонавий этапда сон жихатдан пасайиш тенденциясига эга;¹²

-тадқиқ қилинган даврда фирибгарлик каби жиноятларни йиллик ўсиши кузатилган ва бунинг натижасида ушбу жиноятларни сон нисбатида ҳам жиноятчиликни умумий структурасида ҳам шахсга қарши жиноятлар структурасида ҳам сезиларли ўсишлар рўй берди.¹³

Ўсиш аҳолининг сон даражасида ҳам рўй берди. Бу эса очиқдан очиқ жиноятчилик соҳасида янги кенг муаммолар пайдо бўлганини англатади ва бу жиноят турларини детерминатсия қилувчи фактларни ўрнатадиган зарур чора-тадбирларни қабул қилишни заруриятини, бундай фактларни йўқотиш бўйича янги методларни ишлаб чиқиш ва жиноятларнинг турларига қарши курашиш зарурлигини кўрсатади.¹⁴

¹⁰ ЁШЛАР ОРАСИДА ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЭ Машарипов, СР Ишниёзова Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences 4 (5), 107-113

¹¹ Орипов, Темурмалик. 2023. «ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА ФУҚАРОЛАР ИШТИРОКИНИНГ АҲАМИЯТИ». *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук* 3 (6):225-29. <https://in-academy.uz/index.php/EJLFAS/article/view/18296>

¹² Файзуллаев, Д. (2024). ЁШЛАР ОРАСИДА ЭКСТРЕМИЗМ ВА РАДИКАЛИЗМНИ ТАРҚАЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ!. *Евразийский журнал академических исследований*, 4(1 Part 2), 97-103.

¹³ Сўров тезкор-қидирув тадбирини ўтказишда унинг тактик хусусиятлари ААЎ Атоев - Eurasian Journal of Technology and Innovation, 2024 - cyberleninka.ru

¹⁴ Текшириш учун харид қилиш ва назорат остида олиш тадбирларининг тушунчаси ва ахамияти

ТЭ Машарипов - Евразийский журнал права, финансов и прикладных ..., 2024

Ўрганилган даврда кўриб чиқилган тахлиллар жиноятчиликда рўй берган ходисалар ва жараёнларни очиқ-ойдин кўрсатди. Бир маротабалик ҳамда узоқ муддатли характерга эга бу жараён ва ходисаларнинг салбий ва нисбий ўзгаришларини, бу ўзгариш характеристикасини конкретизация килишни кўришга имкон берди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.,2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси-Т.,2023.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси-Т.,2023.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси-Т.,2023.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни-Т.,2012.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонуни-Т.,1999.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни-Т.,2000.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни-Т.,2018.
- 9.Файзуллаев, Д. О. (2024). Ёшлар орасида жиноятчиликка қарши курашиш давлатимизнинг долзарб вазифасидир!. *Центральноазиатский журнал междисциплинарных исследований и исследований в области управления*, 1(1), 117-123
- 10.Қ вопросу о понятии экстремизма,МА Маликов, МКУ Холходжаев - Eurasian Journal of Law, Finance ..., 2024 - cyberleninka.ru
- 11.Some aspects of the legal regulation of the conduct of operational-search measures by the internal affairs bodies.RR Nishonkhujaevich - INNUC, 2023 - innuc.uz
- 12.Угроза религиозного экстремизма и терроризма.Х Якубов, Х Рахмонжонов - Общество и инновации, 2022 - inlibrary.uz
- 13.Basics of a quick experiment conducting operational search events
ҲК Sheribboevich - International Journal Of Law And Criminology, 2024 - inlibrary.uz
- 14.Текшириш учун харид килиш ва назорат остида олиш тадбирларининг тушунчаси ва ахамияти.ТЭ Машарипов - Евразийский журнал права, финансов и прикладных ..., 2024
- 15.Файзуллаев, Д (2024) Кибержиноятчиликнинг келиб чиқиши ва ривожланиши тарихи. *Central asian journal of multidisciplinary research and management studies*4(1), 120-125
- 16.Ёшлар орасида экстремизмга қарши иммунитетни шакллантириш/ТЭ Машарипов, С.Р Ишниёзова Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences 4 (5), 107-113
- 17.Файзуллаев, Д. (2024). Ёшлар томонидан ахборот технологияларидан фойдаланиб гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний ўтказиш жиноятларининг назарий тушунчалари!. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 4(1), 171-177.
- 18.Орипов , Темурмалик. 2023. «Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқаролар иштирокининг ахамияти». *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук* 3 (6):225-29. <https://in-academy.uz/index.php/EJLFAS/article/view/18296>
- 19.Файзуллаев, Д. (2024). Ёшлар орасида экстремизм ва радикализмни тарқалишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни кучайтиришнинг ўзига хос хусусиятлари!. *Евразийский журнал академических исследований*, 4(1 Part 2), 97-103.

20. Сўров тезкор-қидирув тадбирини ўтказишда унинг тактик хусусиятлари, А.А. Атоев - Eurasian Journal of Technology and Innovation, 2024 - cyberleninka.ru
21. КИССАВУРЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ФОШ ЭТИШДА ТЕЗКОР – ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ Текст научной статьи по специальности «Науки о Земле и смежные экологические науки» Жамшид Нуриддин Ўғли Низомиддинов
22. Отакулов, Н. . (2023). НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ. *Евразийский журнал академических исследований*, 3(9), 202–206. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/20968>.
23. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ. КН Убайдуллаев Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences 4 (4), 62-70
24. THEORETICAL AND LEGAL ANALYSIS OF THE CONDITIONS OF CONDUCTING FAST SEARCH EVENTS KA Mukhtorovich - International Journal Of Law And Criminology, 2024 - inlibrary.uz
25. Исомиддинов, С. (2024). “Фирибгарликнинг виктимологик профилактикасини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари” Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Journal home page: <https://inscience.uz/index.php/socinov/index> Б.185-192.
26. Насритдинов А (2025) Дастлабки терговда жиноятларнинг олдини олиш вазифасининг моҳияти ва аҳамияти - MODERN EDUCATION AND DEVELOPMENT file:///F:/maqola/смартга/ссилка%20.pdf Б 225-240
27. Матёзов Ш. Теоретические и практические аспекты взаимодействия оперативных подразделений органов внутренних дел в предупреждении и раскрытии преступлений, связанных с выращиванием запрещенных культур // Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 9/3. – С. 47-56.

INNOVATIVE
ACADEMY